Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 5 ноябрь, № 232 (9403) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОЖИКИСТОН ПАРЛАМЕНТИ МАЖЛИСИ МИЛЛИЙ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 ноябрь куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Тожикистон Республикаси Мажлиси олий Мажлиси миллий Раиси Рустами Эмомалини қабул қилди.



Учрашув аввалида Мажлиси миллий Раиси давлатимиз раҳбарига Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Тожикистон дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, жумладан, икки мамлакат парламентлари ҳамкорлиги доирасида янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Барча йўналишлардаги ҳамкорлик жадал суръатларда ривожланаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ва юк ташиш ҳажмлари ортиб бормоқда. Саноат, қурилиш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, электротехника ва бошқа соҳаларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Қўшма Инвестиция компанияси самарали фаолият юритмоқда.

Пойтахтлар ва ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни рағбатлантириш, маданий-гуманитар, таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинувларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Олий даражада эришилган келишувлар ва қўшма ташаббусларни илгари суришда қонунчилик органларининг ролини ошириш, бу борада парламентлараро комиссиялар, дўстлик гуруҳлари ҳамда соҳавий қўмиталар фаолиятини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон етакчиси Рустами Эмомалини икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашдаги катта хизматлари, парламентлараро мулоқотни кенгайтириш борасидаги самарали фаолияти учун давлатимизнинг юксак мукофоти — “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

БУХОРОДА УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятига ташрифи доирасида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Бухоро асрлар давомида Шарқ цивилизацияси, илм-фан, юксак маданият ва ноёб меъморчилик ўчоғи сифатида умуминсоний тамаддун тарихида алоҳида мақомга эга бўлган кентдир. Бугунги кунда ушбу табаррук заминда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий экотизимини комплекс ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини изчил юксалтириш ҳамда туризм индустриясини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган кенг кўламли стратегик дастурлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Замонавий ва юқори технологик инфратузилмани шакллантириш, хизмат кўрсатишни халқаро андозалар даражасига кўтариш орқали Бухоронинг глобал сайёҳлик маконидаги рақобатбардошлиги ва нуфузини тубдан мустаҳкамлаш мақсад қилинган.

— Бухоро иқтисодиётига, одамларнинг кундалик ҳаётига ижобий ўзгаришлар олиб кирадиган 30 миллиард долларлик янги ташаббуслар билан келганмиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда ушбу ташаббуслар самараси, аввало, аҳоли учун зарур инфратузилма ва даромад манбаларида кўриниши лозимлиги таъкидланди. Шу нуқтаи назардан, ичимлик суви ва оқова сув тармоқларини ривожлантириш, йўлларни янгилаш, саноат ва хизмат кўрсатишда янги лойиҳаларни амалга ошириш режалари кўриб чиқилди.

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида сув ва канализация таъминотини яхшилаш бўйича 385 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Унинг иккинчи босқичига яна 248 миллион доллар жалб этилади. Натижада 1,7 миллион аҳолининг сув таъминоти яхшиланади, 775 минг киши канализация тармоғига уланади. Марказлашган ичимлик суви билан қамров ҳозирги 80 фоиздан 95 фоизга етказилади. Президентимиз, айниқса, сувни кутаётган 55 та маҳалла бўйича аниқ муддатларни белгилаш ва ишларни тезлаштиришни топширди.

Вилоятнинг транспорт алоқаларини кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар ҳам муҳокама қилинди. Жорий йилда ҳудуддан ўтувчи “А-380” автомобиль йўлини реконструкциялаш якунланади. Келаси йил “М-37” йўлининг вилоят ҳудудидаги 69 километрини янгилаш бошланиб, лойиҳа доирасида Бухоро шаҳри атрофида 4,5 километрлик айланма йўл қурилади.

(Давоми 2-бетда).

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИ

Президент Шавкат Мирзиёев 4 ноябрь куни ҳуқуқбузарликлар профилактикасини замон талаблари асосида такомиллаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва маҳаллаларда барқарор ижтимоий муҳитни шакллантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ҳудудларда хавфсизлик инфратузилмаси кенгайтирилиб, 263 мингта таниб олувчи камера, 70 мингта замонавий домофон ва 22 мингта ташвиш тугмаси ўрнатилди. Ижтимоий профилактика чоралари орқали 2,1 миллион нафар шахснинг муаммолари манзилли ҳал этилди.

Натижада криминоген вазияти энг оғир бўлган 809 та маҳалланинг 701 таси ушбу тоифадан чиқарилди. Қарийб 4,4 мингта маҳаллалар “яшил” тоифада қолмоқда.

Шу билан бирга, жамиятдаги ўзгаришлар, рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши, кибержиноятчилик ва бошқа замонавий таҳдидлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини янги босқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда.

Хусусан, 2014 йилда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунга ўтган даврда 20 дан ортиқ ўзгартиришлар киритилган бўлса-да, унинг айрим нормалари бугунги талабларга жавоб бермай қолган.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕРЛАРИ ҲАМДА БАРЧА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Ҳурматли деҳқон ва фермерлар, кластер ходимлари, дала меҳнаткашлари!

Сиз, азизларни Янги Ўзбекистон тарихида илк бор 5 миллион тоннадан зиёд юксак пахта хирмони бунёд этиб, рекорд натижага эришганингиз билан самимий муборакбод этаман.

Албатта, сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, жасорат ва матонатингиз билан қўлга киритилган бу тарихий ғалаба бутун халқимизнинг ғалабаси. Бу — пахтачилик соҳасидаги Янги Ўзбекистон мўъжизаси.

Бу ютуқнинг ижодкори сизлар — азамат деҳқон ва фермерларимиз, моҳир агроном, сувчи, механизатор, олим ва мутахассисларимиз, кластер ходимлари, десак, адолатли фикрни айтган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдириб, энг эзгу тилакларимни изҳор этаман. Сизлар билан бутун халқимиз фахрланади, ғурурланади.

Айниқса, иқлим ўзгариши билан боғлиқ қийинчиликлар янада кучайган жорий йилда пахта хомашёсини ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан, соҳанинг ички имкониятлари ҳисобидан юксак сифат билан йиғиб-териб олганингиз таҳсинга муносибдир.

Бу ҳақда гапирганда, беихтиёр пахтачилик эл-юртимизга манфаат эмас, балки азоб-уқубат ва охир-оқибатда “ўзбек иши” деган қуруқ туҳмат олиб келган оғир кунларни эслаймиз. “Ким эдигу ким бўлдик?” деган фикр албатта хаёлимиздан ўтади.

Чиндан ҳам, собиқ совет даврида, хусусан, 1980 йилларда республикамизда пахта етиштириш учун қарийб 2 миллион гектар ер ажратилган, ўртача ҳосилдорлик эса 30 центнердан ошмас, натижада деҳқоннинг косаси оқармас эди.

Мустақилликнинг дастлабки даврида, хусусан, 2000 йилга келиб 1,4 миллион гектар ерга чигит экилиб, Ўзбекистон бўйича жами 3 миллион тонна пахта териб олинган.

Биз кейинги йилларда тармоқни ўта оғир аҳволдан олиб чиқиш учун, аввало, чигит экиладиган майдонларни 38 фоизга қисқартириб, пахта монополиясига барҳам бердик. Ўқитувчи, талаба ва ўқувчиларни, бюджет ташкилотлари ходимларини дала ишларига жалб этишга чек қўйдик. Соҳани илм-фан ютуқлари, замонавий агротехнологиялар асосида ривожлантиришга устувор аҳамият қаратдик. Бошда бунга ишонмасдан, шубҳа билан қараганлар ҳам бўлди. Аммо танлаган йўлимиз нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи, бу йилги натижаларимиз яққол тасдиқламоқда.

Ўтган даврда пахтачиликда ҳосилдорлик 2,7 карра ошиб, 21 центнердан 56 центнерга етгани бу борада қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимизни кўрсатиб турибди.

Сув тежовчи технологияларни кенг жорий этганимиз ҳисобидан сув сарфи 1990 йилларга нисбатан 2 карра камайиб, ҳар бир кубометр сув эвазига олинаётган ҳосил миқдори ошиб бораётгани биз учун ғоят муҳимдир.

Бу йил экиш схемалари ўзгартирилиб, кўчатлар сони 2-3 карра оширилгани, кўсак қурти ва гербицидга чидамли янги биотехнологик навлар жойлаштирилгани ҳам ўзини оқлади. Бу ўзгаришларнинг амалий самарасини қарийб 400 минг гектар ерда ўртача ҳосилдорлик 70 центнерга етгани, салкам 70 минг гектарда 100-110 центнергача ҳосил олингани мисолида яққол кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ҚОЗОҒИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II таклифига биноан 5-6 ноябрь кунлари амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлади.

Давлатимиз раҳбари сунъий интеллект соҳасида хавфсизликни таъминлаш, унинг террористик ва экстремистик мақсадларда ишлатилишига қарши курашиш, янги технологик хатар ҳамда таҳдидларга жавоб қайтаришда халқаро ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган Марказий Осиё давлатлари етакчиларининг Ақаба жараёни доирасидаги учрашувида иштирок этади.

Ақаба жараёни 2015 йилда Подшоҳ Абдулла II томонидан илгари сурилган халқаро ташаббус бўлиб, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш соҳасида тажриба алмашиш ва қўшма саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга қаратилган.

ЎзА.

ДРОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЯГОНА ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ БЕЛГИЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев иқтисодиёт тармоқларида учувчисиз авиация тизимларидан фойдаланишни кенгайтириш ва соҳани тартибга солишга доир тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда дунёда учувчисиз авиация технологиялари жадал ривожланиб, қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, шаҳарсозлик ва хизмат кўрсатиш каби кўплаб соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Дронлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, харажатларни қисқартириш, ресурсларни тежаш ва янги иш ўринларини яратишда муҳим омилга айланмоқда.

Хусусан, қишлоқ хўжалигида экин майдонларини кузатиш, уларга ишлов бериш ва ҳосилдорликни мониторинг қилиш, саноатда ишлаб чиқариш жараёнлари ва инфратузилма объектларининг ҳолатини назорат қилиш, шаҳарларда транспорт оқимини кузатиш ва кўчаларда ҳаракатни ташкил этишда ушбу технологиялардан фойдаланиш катта имкониятлар очади.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИ ХИТОЙ КИТОБХОНИ НИГОҲИДА

Глобал ўзгаришлар, халқаро муносабатлардаги янги тенденциялар ва геосиёсий рақобат кучайиб бораётган бугунги шароитда ҳар бир давлатнинг халқаро майдондаги мавқеи нафақат иқтисодий салоҳияти, балки ўз тараққиёт моделини, сиёсий қарашлари ва стратегик мақсадларини қай даражада аниқ намоён эта олиши билан ҳам белгиланади. Бунда мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, мақсад ва натижаларини халқаро ҳамжамиятга етказиш, уларнинг бошқа халқлар ҳамда эксперт доиралари томонидан тўғри англанишини таъминлаш муҳим вазифаларидан биридир.

Нуқтаи назар

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон: барқарор тараққиёт ва фаровонлик сари” китоби хитой тилида чоп этилиши ва унинг тақдимоти Пекин шаҳрида ўтказилиши оддий нашриётчиликка оид воқеа доирасидан анча кенг аҳамиятга эга. Бу Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар фалсафаси, мамлакатимизнинг тараққиёт тажрибаси, ташқи сиёсатдаги устувор тамойиллар ва халқаро ҳамкорликка ёндашувини Хитой жамоатчилигига давлатимиз раҳбарининг ўз фикрлари орқали етказиш имконини берган муҳим сиёсий-маърифий воқеадир.

Тақдимотнинг аҳамияти, аввало, унинг Хитойдаги сиёсий, илмий ва эксперт доиралари томонидан қандай қабул қилинганида намоён бўлди. Тадбирда Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитасининг масъул раҳбарлари, давлат идоралари, нуфузли илмий-таҳлилий муассасалар, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, дипломатик корпус ва эксперт ҳамжамияти вакиллари қатнашди. Тақдимотга 300 га яқин иштирокчиларнинг ташриф буюргани, улар орасида Пекиндан ташқари ҳудудлардан махсус келган меҳмонлар ҳам бўлгани, шунингдек, Хитойнинг юқори мартабали сиёсий вакиллари, нуфузли таҳлил марказлари раҳбарлари, олимлар ва экспертлар томонидан билдирилган фикрлар Янги Ўзбекистон тажрибасига қизиқишнинг мазмун ва кўламини намоён этди.



3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 5 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕРЛАРИ ҲАМДА БАРЧА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳеч шубҳасиз, бундай ютуқлар қаторида 1 мингга яқин фермер хўжаликлари ва кластерлар ўртача 100 центнерлик ва ундан ҳам юқори марраларни забт этганлари алоҳида ўрин тутади. Бу ҳақда сўз юритганда, 4 мингдан зиёд фермерларимиз ҳосилдорликни ўртача 60 — 70 центнердан, 2,5 минг нафари эса 80 центнердан оширгани, айниқса, Пахтакор туманидаги Анорбой Эшматов ва Жарқўрғон туманидаги Улуғбек Сўпиев ҳар гектар ердан 110 центнердан ҳосил олишганини мамнуният билан қайд этамиз.

Мингбулоқ туманидаги “Бургут полвон”, Навбаҳор туманидаги “Яхё бобо”, Боёвут туманидаги “Боёвутлик Ҳумоюн”, Бекобод туманидаги “Отабек Зилола”, Оққўрғон туманидаги “Мурод”, Гурлан туманидаги “Ихлосбек”, Ҳазорасп туманидаги “Якуб Анназар” ҳамда Тупроққалъа туманидаги “Гулчарос Муниса” фермер хўжаликлари ҳам ҳосилдорликни 100 центнердан оширдилар.

Жиззах, Хоразм, Бухоро, Навоий ва Сирдарё вилоятларида ҳосилдорлик 60 центнердан кўпроқни ташкил этгани ҳам пахтачилигимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилади.

Ўта оғир экологик ҳудудда ҳосилдорликни ўтган йилларга нисбатан 10 — 15 центнерга ошириб, 400 минг тоннадан ортиқ хирмон бунёд этган Қорақалпоғистон пахтакорларини чин қалбдан қутлашдан мамнунман.

Ҳосилдорликни 70 центнердан оширган Мирзаобод ва Ховос туманлари, 55 — 70 центнерга етказган Мирзачўл, Пахтакор, Қизилтепа, Учқўрғон ва Пешку, Жалақудуқ, Вобкент, Жондор, Ромитан, Олот, Арнасой, Тўрақўрғон, Уйчи, Боғот, Хонқа, Ҳазорасп, Жарқўрғон ва Янгибозор, Амударё, Балиқчи, Марҳамат, Пахтаобод, Дўстлик, Кўкдала, Навбаҳор, Мингбулоқ, Чортоқ, Пахтачи, Каттақўрғон, Қумқўрғон, Боёвут, Оққўрғон, Бўка, Бекобод, Пискент, Юқори Чирчиқ, Бағдод, Қува, Гурлан ва Қўшкўпир туманлари меҳнаткашлари бошқаларга намуна бўлдилар.

Энг катта — 110 минг тонналик хирмон барпо этган Косон, шунингдек, Миришкор (105 минг), Касби (95 минг), Нишон (90 минг), Мирзачўл (85 минг), Мирзаобод (81 минг), Дўстлик (77 минг), Амударё (76 минг), Оқолтин (72 минг), Пастдарғом (71 минг), Пахтакор (68 минг), Мингбулоқ ва Қуйи Чирчиқ (62 минг тоннадан), Боёвут ва Жондор (60 минг тоннадан), Бекобод (58 минг), Гурлан ва Ромитан (57 минг тоннадан), Вобкент ва Каттақўрғон (56 минг тоннадан), Хонқа (52 минг тонна) каби туманлар ҳам илғорлар сафидан муносиб жой эгаллади.

Биз оқила, ташкилотчи аёлларимиз раҳбарлик қилаётган Олот ва Бўстон туманларида ҳосилдорлик ўртача 55 — 60 центнерга етказилганини алоҳида қадрлаймиз.

Бу йил етиштирилган ҳосилнинг 85 фоизи 3 мингдан ортиқ пахта териш машиналари ёрдамида 30 — 35 кунда териб олингани, механизациялаштириш даражаси Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 100 фоизга етказилгани, бошқа ҳудудларимиз ҳам шу маррага яқинлашиб келаётгани одамларни оғир меҳнатдан халос этиш йўлидаги ислоҳотларимизнинг муҳим натижасидир.

Пахтачилик кенгаши ташкил этилгани, олимларимиз томонидан ноанъанавий технологиялар қўлланилгани ҳамда рақамлаштириш, дронлардан фойдаланиш орқали сарфхаражат икки баробар камайтирилгани ҳам бу йилги ютуқларни таъминлашда асосий омил бўлди. Шулар қаторида давлат томонидан ажратилаётган молиявий ресурслардан оқилона фойдаланилгани, тўлов интизоми яхшиланиб, субсидиялаш такомиллаштирилгани, суғурта тизими яратилгани, бир сўз билан айтганда, тармоқда тизим бутунлай янгиланган юқори натижаларга эришишда салмоқли роль ўйнади.

Шу ўринда яна бир муҳим рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман: бу йил фермерларимиз пахтадан 13 — 14 триллион сўм соф фойда олиши кутилмоқда. Шу асосда улар йил бўйи қилган машаққатли меҳнати эвазига муносиб даромад топиши, одамларимизнинг ҳаёти янада обод ва фаровон бўлиши табиийдир.

Албатта, ана шундай улкан натижаларни таъминлашда қишлоқ хўжалиги ривожига қаратаётган доимий эътиборимиз, деҳқон ва фермерлар, кластерлар, умуман, далада ишлаётган ҳар бир инсоннинг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги, эртанги кунга ишончи ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Муҳтарам юртдошлар!

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги стратегик йўлимизни амалга оширишда биз, аввало, сизларга, агротармоқда фаолият кўрсатаётган 3,5 миллион нафардан зиёд миришкорларга таянамиз. Сизлар учун яна қандай қўшимча шароит ва имкониятлар яратиш керак бўлса, барчасини таъминлаб беришга тайёрмиз.

Қишлоқ хўжалигининг юксак ва барқарор тараққиёти — бутун мамлакатимизнинг юксак ва барқарор тараққиётида устувор ўрин тутадиган омил.

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро пахта кунига бағишланган анжуманда 30 дан зиёд мамлакатлардан келган олим ва мутахассислар биз эришаётган ютуқларни эътироф этиб, Бутунжаҳон пахтачилик марказини айнан Ўзбекистонда ташкил этиш бўйича таклиф билдиришгани албатта бежиз эмас.

Келгуси йилда серҳосил уруғлик навларидан фойдаланиш, агродрон орқали ишлов бериш, сув ва энергия тежовчи технологиялар, сунъий интеллектни қўллаш бўйича сизларга янада кўпроқ шароитлар яратиб, пахтадан ўртача ҳосилдорликни 65 — 70 центнерга етказишни мақсад қилиб қўйдик. Ана шундай долзарб вазифаларни муваффақиятли адо этишда фермерларимиз ва кластер ходимлари олимлар, муҳандис ва мутахассислар билан биргаликда янада катта куч-ғайрат билан меҳнат қиладилар деб ишонаман.

“Ўз” деган эзгу ғоямиз замирида мужассам бўлган ўз ишимиз, ўз сўзимиз, ўз ғалабамизга ишонч руҳи билан олға қараб боришдан ҳеч қачон тўхтамаймиз!

Ўзбекистон пахтачилигида янги тарих яратаётган сиз, азизларни бугунги зафар байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга тинчлик, бахт ва фаровонлик тилайман.

Ҳимматингизга, қудратингизга балли, заҳматкаш ва фидойи юртдошларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БУХОРОДА УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Самарқанд — Бухоро йўналишида цемент-бетон қопламали пуллик автомобиль йўли ва тезюрар поезд учун янги темир йўл линиясини барпо этиш режалаштирилган. Янги автомобиль йўли сафар вақтини ҳозирги беш соатдан бир ярим соатгача қисқартириши кутилмоқда. Масъулларга ҳар икки лойиҳанинг мастер-режасини якунлаш ва ҳамкорлар билан музокараларни бошлаш топширилди.

Бухорода 300 миллион долларлик янги халқаро аэропорт қурилмоқда. У бир вақтнинг ўзида 20 та самолёт ва 1 200 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконига эга бўлади. Аэропорт шаҳар маркази билан 24 километрлик автомобиль йўли орқали боғланади, автобуслар учун 5,5 километрлик BRT йўлаги барпо этилади. Бухорога Туркиянинг “Pegasus” авиакомпанияси тўғридан-тўғри рейсларни йўлга қўймоқда. Келаси йил Малайзия, Индонезия, Кувайт, Миср ва Баҳрайн билан ҳам авиақатновларни бошлаш белгиланди.

Йиғилишда янги йўллар ва аэропорт билан бирга вилоят ичида ҳаракатланиш қулайлигини ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Жорий йилда йўллар ҳолатини яхшилаш учун 900 миллиард сўм ажратилган бўлса-да, 2 минг километр ички йўл ва 266 та кўприк таъмирталаб. Уларни янгилаш ва эксплуатация қилишга хусусий инвестицияларни жалб этиш, асосий сайёҳлик йўналишларини боғлайдиган муқобил пулли йўллар қуриш имкониятларини ўрганиш топширилди.

Жамоат транспорти етарлича ривожланмагани сабаб аҳолининг 80 фоизи кундалик қатновларда енгил автомобилдан фойдаланмоқда. Шу боис вилоятга қўшимча 120 та автобус келтириш жадаллаштирилади. Аэропорт ва темир йўл вокзаллари атрофида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, кўкаламзорлаштиришда эса Бухоронинг иқлими ва тарихий қиёфасига мос ягона ёндашувни қўллаш вазифалари белгиланди.

Туризм вилоят иқтисодиётини ўстиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Жорий йилда Бухорога 3,5 миллион хорижлик сайёҳ келиши кутилмоқда. Мазкур кўрсаткични икки баравар ошириш, уларнинг вилоятда қолиш муддатини узайтириш ва туризм мавсумини йилнинг бошқа ойларига ҳам кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Бунинг учун Эски шаҳар, Етти пир, Чор Бакр, Пойкент, Варахша ва Вардонзе каби тарихий мажмуалар ягона туризм концепцияси асосида боғланади. Гулчорбоғ маҳалласида 50 гектар майдонда туризм маркази, Жалол Икромий маҳалласида халқаро тадбирларга мўлжалланган конгресс-холл ҳамда “Hilton” ва “Holiday Inn” брендлари остида меҳмонхоналар қурилмоқда.

Шаҳарнинг саккизта марказий кўчаси янгиланиб, олтита хиёбон барпо этилади. Бухоро туманида эса 1 минг гектар майдонда 500 миллион долларлик туризм кластерини ташкил этиш режалаштирилган.

Президентимиз янги объектлар билан бирга хизматлар мазмунини ҳам бойитиш зарурлигига эътибор қаратди. Бухорода туризм мавсуми тўрт ойдан олти ойга узайган, келаси йил эса 30 га яқин халқаро тадбирлар ўтказиш режалаштирилмоқда. Бироқ вилоятда беш юлдузли меҳмонхона йўқ, йирик савдо ва кўнгилочар масканлар етарли эмас, мавжуд хизматларнинг асосий қисми Бухоро шаҳрида жамланган.

Масъулларга хорижлик сайёҳлар сонини 7 миллионга етказиш бўйича ойма-ой режа тайёрлаш топширилди. Унда янги турпакетлар, тадбирлар, туманларда очиладиган объектлар ва сайёҳлар жалб қилинадиган бозорлар аниқ кўрсатилиши лозим.

Йиғилишда вилоят иқтисодиёти бу йил илк бор 100 триллион сўмлик маррадан ошиши, ўсиш 10,1 фоизни ташкил этиши таъкидланди. Сўровда бухороликларнинг 98 фоизи ҳаёт сифати яхшиланганини билдирган, тадбиркорларнинг 83 фоизи эса келгуси уч йилга ижобий кутилма билан қарамоқда.

Шу билан бирга, иқтисодий ўсиш табиий ресурслар саноати ва қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлиб қолаётир. Уларнинг иқтисодиётдаги улуши 43 фоиз, хизматлар соҳасининг улуши эса ўн йилда атиги 33 фоиздан 36 фоизга ошган.

Президентимиз иқтисодиётни диверсификация қилиш, хомашёни чуқур қайта ишлаш ва ҳар бир туманнинг ўсиш нуқталарини аниқлашни талаб этди. Саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалигидаги кўрсаткичларни 1,5 баравар ошириш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилади.

Саноат соҳасида Бухоронинг хомашё, энергия ресурслари ва тадбиркорлик салоҳиятини бирлаштириб, уч йилда 28 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш имконияти борлиги таъкидланди. Шундан 17 миллиард доллари нефть-газ ва кимё саноатига тўғри келади. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қувватларини оширишга нуфузли технологик компанияларни жалб этиш, Когон туманида эса нефть-кимё илмий-саноат кластерини ташкил қилиш вазифаси қўйилди.

Энергетикада қисқа муддат ичида қарийб 2 минг мегаватт қувватли электр станциялари ишга туширилган. Келгуси уч йилда яна 3,1 минг мегаваттли шамол электр станциялари ва 1 минг мегаваттли энергия сақлаш тизимлари қурилади. Янги қувватлар билан бир вақтда узатиш ва тақсимлаш инфратузилмасини ривожлантириш, вилоятда 745 километр электр тармоғини барпо этиш режалаштирилган.

Енгил саноатда халқаро брендлар билан ҳамкорлик тажрибасидан фойдаланиб, Бухорода ишлаб чиқариладиган тўқимачилик маҳсулотларини ташқи бозорларга кенгроқ олиб чиқиш вазифаси белгиланди. Келаси йил соҳада камида 1 миллиард долларлик лойиҳаларни ва экспортни икки баравар ошириш кўзда тутилган.

Ижтимоий соҳадаги ишлар кўриб чиқилар экан, хусусий боғча ва мактабларни кўпайтириш, мактаб битирувчиларининг 50 фоизини техникумларга жалб этиш, техникумларни йирик тадбиркорлар ва инвесторлар билан боғлаш масалалари муҳокама қилинди. Вилоятдаги ўнта давлат ва хусусий олий таълим муассасасида дуал таълим қамровини икки баравар ошириш вазифаси қўйилди.

Жорий йилда 29 та шифохона ва поликлиникани янгилаш ишлари амалга оширилди. Мамлакатимиз етакчиси тиббий хизмат сифатини, айниқса, бирламчи бўғин фаолиятини яхшилаш, соҳага инвестиция жалб этиш ва хорижда тажриба орттирган ватандошлар имкониятидан фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботлари ҳамда келгуси йилга мўлжалланган режалари тингланди.

Президентимиз ўз ҳудудини комплекс ривожлантиришда Олот тумани ҳокими Наргиза Нематова алоҳида жонбозлик кўрсатаётганини эътироф этиб, давлат ва бошқарув идораларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлидаги хизматлари учун уни “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотлашга қарор қилганини эълон қилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг Бухоро вилоятига амалий ташрифи ҳудуд тарихида янги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даврини бошлаб беради. Эълон қилинган йирик стратегик ташаббуслар шунчаки рақамлар мажмуи эмас, балки вилоят аҳолисининг турмуш фаровонлигини тубдан юксалтириш, инфратузилмани халқаро стандартлар асосида модернизация қилиш ва Бухоронинг умуминсоний тамаддун маркази сифатидаги нуфузини глобал миқёсда қайта тиклашга қаратилган концептуал дастурдир.

Саноатни диверсификация қилиш, йирик энергетика қувватларини ишга тушириш, транспорт-логистика географиясини кенгайтириш ва туризм индустриясини тубдан ислоҳ қилиш орқали Бухоро яқин йилларда нафақат Ўзбекистон, балки бутун Шарқ оламининг энг рақобатбардош ва жозибадор мегаполисларидан бирига айланади. Ташриф доирасида белгилаб берилган вазифаларнинг изчил ижроси ҳудуднинг иқтисодий қудратини каррасига ошириш билан бир қаторда ҳар бир фуқаро ва тадбиркорнинг эртанги кунга бўлган ишончини янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиздир.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу муносабат билан тақдимотда мазкур қонунни янги таҳрирда қабул қилиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари янги қонун ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейин чора кўришга асосланган ёндашувдан хавф-хатарларни олдиндан аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган проактив профилактика моделига ўтишни таъминлаши зарурлигини таъкидлади.

Бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан 14 та давлат идораси шуғулланаётган бўлса-да, уларнинг вазифалари айрим ҳолларда такрорланмоқда, ваколатлари аниқ чегараланмаган. Тақдимотда профилактика субъектлари доирасини яна 7 тага кенгайтириш таклиф қилинди.

Президентимиз мазкур таклифнинг мақсадга мувофиқлигини аниқ асослаш, энг аввало, ҳар бир идоранинг вазифаси, ваколати ва жавобгарлигини белгилаш, улар ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлаш муҳимлигини қайд этди.

Шунингдек, янги таҳрирдаги қонун лойиҳасида Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси комиссиясининг ваколатларини қонун даражасида белгилаш назарда тутилмоқда. Бунда давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, профилактика чораларининг самарадорлигини баҳолаш ва мониторинг қилиш механизмларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Қонун лойиҳасида илк бор профилактиканинг янги йўналишларини белгилаш, хусусан, гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар, кибержиноятчилик, уюшган жиноятчилик, “яширин иқтисодиёт” ва коррупцияга қарши курашишда превентив чораларни кучайтириш назарда тутилмоқда.

Қолаверса, ижтимоий ва виктимологик профилактика механизмларини такомиллаштириш, таълим муассасаларини профилактика тадбирлари билан кенг қамраб олиш, жиноятдан жабрланган фуқароларнинг хавфсизлиги ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўйича янги нормалар илгари сурилди.

Бунда жиноятдан жабрланганлар ва гувоҳларнинг ҳаёти, соғлиги ҳамда мол-мулкига таҳдид юзага келганда уларнинг хавфсизлиги ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашишда кўмаклашган фуқароларни рағбатлантириш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш юзасидан мажбурий профилактик кўрсатма беришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш таклиф қилинмоқда.

Тақдимотда криминоген вазиятни баҳолаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари самарадорлигини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, ҳозирги баҳолаш усуллари асосан статистик маълумотларга таянади. Жиноятчиликка таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий омиллар етарлича таҳлил этилмайди, мавжуд ахборот тизимлари ўзаро тўлиқ интеграциялашмаган.

Шу боис криминоген вазиятни баҳолашнинг янги моделини жорий этиш таклиф қилинди. Унга кўра, илк бор аҳолининг хавфсизлик ҳисси ва яширин жиноятчилик кўрсаткичларини ҳам инобатга оладиган “криминоген барқарорлик индекси”ни шакллантириш кўзда тутилмоқда.

Бунинг учун давлат идораларининг ахборот ресурсларини бирлаштирадиган ягона криминоген маълумотлар платформасини ишга тушириш, сунъий интеллект технологиялари ёрдамида жиноятчилик хавфларини таҳлил қилиш ва прогнозлаш, криминоген хариталарни шакллантириш режалаштирилмоқда.

Мазкур механизмлар орқали ҳудуд ва маҳаллалардаги криминоген вазият мунтазам баҳоланиб, хавф даражасига қараб манзилли профилактика чоралари белгиланади. Масъул идоралар фаолияти натижадорлик кўрсаткичлари асосида баҳоланади, муаммоларни ҳал этиш юзасидан таъсирчан назорат ўрнатилади.

Давлатимиз раҳбари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси бўлиб қолмасдан, барча масъул идоралар, маҳалла ва жамоатчиликнинг ҳамжиҳатликдаги фаолиятига асосланиши кераклигини таъкидлади.

Ҳар бир маҳаллада хавфсиз муҳит яратиш, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқараётган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, фуқаролар осойишталигини ишончли таъминлаш устувор вазифа экани кўрсатиб ўтилди.

Тақдимот якунида мутасаддиларга қонун лойиҳасини билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида такомиллаштириш, профилактика субъектларининг вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаш, рақамли таҳлил ва мониторинг механизмларини жорий қилиш бўйича топшириқлар берилди. Криминоген вазиятни баҳолашнинг янги моделини жорий этишни назарда тутувчи фармон имзоланди.

ДРОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЯГОНА ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ БЕЛГИЛАНАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумотларга кўра, глобал дрон бозори йилига 10 — 15 фоиз суръат билан ўсиб бормоқда. Ушбу технологияларни иқтисодиёт тармоқларига кенг жорий этиш мамлакатимизда ҳам иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, юқори малакали мутахассисларга талабни ошириш ва янги технологик йўналишларни ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин.

Шу муносабат билан тақдимотда Ўзбекистонда учувчисиз авиация тизимларидан фуқаролик мақсадларида фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, соҳада тадбиркорлик ва инвестиция фаолияти учун қулай шароитлар яратишга қаратилган таклифлар кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, учувчисиз авиациядан фойдаланишни кенгайтириш парвозлар хавфсизлиги ва фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигини таъминлайдиган замонавий тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Бугунги кунда дронлардан фойдаланишнинг ягона қоидалари, уларни ҳисобга олиш ва парвозларни мувофиқлаштириш, етказилган зарарни қоплаш ҳамда суғурталаш механизмларини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Шу мақсадда учувчисиз авиация воситалари ҳақидаги маълумотларни бирлаштирувчи ягона рақамли ахборот тизимини шакллантириш, парвоз ҳудудларини аниқ белгилаш ва улардан фойдаланиш тартибларини жорий этиш бўйича таклифлар билдирилди.

Тақдимотда ушбу янги йўналиш учун малакали кадрлар тайёрлаш ва инновацион экотизимни ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Хусусан, келгуси ўқув йилидан Транспорт университетида учувчисиз авиация тизимлари бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш, таълимни амалий машғулотлар билан уйғунлаштириш, ёшларнинг замонавий авиация технологияларига қизиқишини қўллаб-қувватлаш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан мутасаддиларга илғор хорижий тажриба асосида учувчисиз авиация тизимларини иқтисодиёт тармоқларига кенг жорий этиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратиш юзасидан қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш бўйича топшириқлар берилди.

ЎзА.

Буюк Британиядаги «ExCeL London» марказида бўлиб ўтаётган «World Travel Market — 2026» халқаро кўргазмасида Ўзбекистон ўз миллий стенди билан иштирок этиб, юртимизнинг бой туристик салоҳиятини жаҳон ҳамжамиятига намойиш қилмоқда.

Учрашув



ҲАМКОРЛИК МАЗМУНАН ЯНАДА БОЙИМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Тожикистон Республикаси Мажлиси олий Мажлиси миллий Раиси Рустами Эмомали бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида парламентлараро алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қонун ижодкорлиги ва парламент назорати йўналишларида тажриба алмашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси, ўзаро ишончи ва мунтазам мулоқоти туфайли тарихан яқин бўлган ўзбек ҳамда тожик халқлари ўртасидаги муносабатлар янги мазмун билан бойиди. Хусусан, шу йил 26-27 март кунлари Тожикистон Президентининг Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи ҳамда Олий давлатлараро кенгашнинг биринчи йиғилиши ўтказилиши икки томонлама ҳамкорликнинг янги истиқболларини белгилаб берди.

Рустами Эмомали ўтган йили Тошкентда ўтказилган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-ассамблеяси ҳамда шу йил 4 — 6 сентябрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтган Ёш парламент аъзоларининг XII глобал конференцияси юқори савияда ташкил этилганини алоҳида айтиб ўтди. Ушбу халқаро тадбирлар якунида қабул қилинган декларациялар парламентлараро мулоқотни ривожлантириш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ўз навбатида, Сенат Раиси Танзила Норбоева ҳам яқинда Душанбе шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатларининг IV парламентлараро форуми юқори савияда ташкил этилгани, унинг доирасида уюштирилган муҳокамалар умумий минтақавий масалалар юзасидан парламентлар позицияларини яқинлаштириши, ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилашга хизмат қилишини айтди.

Учрашувда савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, саноат кооперациясини ривожлантириш, транспорт ҳамда чегараолди инфратузилмасини такомиллаштириш, Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, маданий-гуманитар ва ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўналишларида тажриба алмашиш муҳимлиги ҳам қайд этилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Тожикистон Республикаси Мажлиси олий Мажлиси миллий ўртасида 2027-2028 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик бўйича “Йўл харитаси” имзоланди.

Тожикистон Республикаси Мажлиси олий Мажлиси миллий Раиси Сенатнинг Фахрий меҳмонлар китобида ёзув қолдирди.

Ташриф

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ

Тожикистон Республикаси Мажлиси олий Мажлиси миллий Раиси Рустами Эмомали бошчилигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди. Меҳмонларни Тошкент халқаро аэропортида Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев кутиб олди.

Делегация аъзолари дастлаб Янги Ўзбекистон боғига бориб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди. Шундан сўнг Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш дирекцияси фаолияти билан яқиндан танишди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган йирик шаҳарсозлик лойиҳаси, янги шаҳарни бунёд қилиш концепцияси, замонавий транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, яшил ҳудудлар ҳамда ижтимоий объектларни қуриш борасидаги ишлар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Янги Ўзбекистон университетининг фаолияти, таълим жараёнини ташкил этиш тизими, замонавий таълим инфратузилмасини шакллантириш борасидаги ишлар делегация эътиборидан четда қолмади.

Шунингдек, юқори мартабали меҳмонлар Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказига ҳам ташриф буюрди.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан очилган Ислом цивилизацияси маркази юртимизнинг бой илмий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш ҳамда уни жаҳон ҳамжамиятига кенг намоён этишга хизмат қилувчи йирик тарихий-маърифий мажмуа ҳисобланади.

Меҳмонлар марказнинг илмий-маърифий фаолияти, ноёб тарихий экспонатлари ҳамда аждодларимизнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссасини акс эттирувчи экспозициялар билан яқиндан танишди.

Тожикистон парламенти делегацияси марказнинг бой тарихий-маданий меросни асраб-авайлаш, ислом цивилизациясининг жаҳон миқёсидаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этишдаги ўрнини эътироф этди.

Тожикистон Республикаси Мажлиси олий Мажлиси миллий Раиси марказнинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИ ХИТОЙ КИТОБХОНИ НИГОҲИДА

1 Китобнинг Хитойдаги нуфузли “Жэньминь” нашриёти томонидан чоп қилингани ҳам эътиборга молик. Уни тайёрлаш жараёнида Хитой миллатлар университети олимларининг иштирок этгани эса нашрнинг илмий ва маданий аҳамиятини янада оширди. Одатда бундай жараёнга бир ярим-икки йил вақт талаб этилади. Бу сафар эса келишувдан нашргача бўлган босқич атиги саккиз ойда якунланган. Яна бир муҳим жиҳат: амалдаги хорижий давлат раҳбарининг асарини нашр қилиш Хитой босма нашрлар амалиётида кенг тарқалган ҳолат эмас. Демак, мазкур лойиҳага кўрсатилган эътибор китобнинг нафақат маърифий, балки сиёсий аҳамияти ҳам юқори баҳоланганидан далолат беради.

Президентимизнинг китобига нисбатан бундай юксак даражадаги эътибор замирида, шубҳасиз, Ўзбекистондаги ўзгаришларнинг кўлами ва мазмунини англашга бўлган қизиқиш мужассам. Зеро, бугун мамлакатимиз минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, глобал муаммолар ечимига ҳисса қўшиш ва инсон манфаатларини давлат сиёсатининг марказига қўйишга қаратилган ёндашувлари билан эътирофга сазовор бўлмоқда.

Инсон қадри ва фаровонлиги — ислоҳотлар марказида

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий хусусияти шундаки, улар давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини қамраб олган ҳолда, инсон қадри ва манфаатларини устувор мезон сифатида белгилайди. Бу ёндашув 2023 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда мустаҳкамланган “инсон — жамият — давлат” тамойилида ҳам ўзининг ҳуқуқий ифодасини топди. Мазкур тамойил шунчаки конституциявий қоида эмас. У давлат бошқаруви, иқтисодий сиёсат, ижтимоий ҳимоя ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида устуворликлар қандай белгиланиши кераклигини кўрсатувчи муҳим мезондир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, инвестицияларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга қаратилган ислоҳотлар таълим, тиббиёт, бандлик ва ижтимоий ҳимоя соҳаларидаги ўзгаришлар билан уйғун олиб борилмоқда. Бунда иқтисодий ўсишнинг ўзи эмас, балки унинг аҳоли турмуш даражасига таъсири, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш ва инсон капитали сифатини оширишдаги самараси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда бир неча маротаба таъкидланишича, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар инсон қадрини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва адолатли жамият қуришга йўналтирилгани билан аҳамиятли. Асарда ушбу вазифаларнинг сиёсий мазмуни давлат раҳбарининг нутқлари ва ташаббуслари орқали очиб берилган. Шу боис китоб хитойлик китобхонларга Янги Ўзбекистоннинг мақсадлари, ислоҳотлар фалсафаси ва мамлакат танлаган тараққиёт йўли тамойилларини бевосита англаш имконини беради.

Шунингдек, Ўзбекистонда рўёбга чиқарилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, мамлакатнинг мустақил тараққиёт мақсадлари ва тинчликпарвар ташқи сиёсати Хитой экспертлари учун муҳим тадқиқот манбаи экани айтиб ўтилди. Президент Шавкат Мирзиёев китобининг ХКП Марказий қўмитасининг юқори лавозимли вакиллари иштирокида, муҳим сиёсий тадбирлар билан бир вақтда тақдим этилгани Ўзбекистоннинг Хитой ташқи сиёсатида алоҳида ўрин тутишини кўрсатади.

Экспертлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни фақат иқтисодий алоқалар билан чеклаб қўймасдан, таҳлил марказлари ўртасидаги илмий мулоқотни ҳам кенгайтириш зарурлигини қайд этди. Хусусан, маҳалла институтини такомиллаштириш, ёшлар сиёсати ва минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича қўшма тадқиқотлар ўтказиш таклиф қилинди. Шунингдек, маҳалла тизими самарадорлигини оширишда Хитойнинг “тинчлик ва осойишталик ҳудуди” дастури тажрибасини ўрганиш, аҳоли фаровонлиги, жамият барқарорлиги ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамжиҳатликни таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Сиёсий ишонч — стратегик шерикликнинг асоси

Ўзбекистон ва Хитой муносабатларининг бугунги даражаси, аввало, икки давлат раҳбарлари — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва ХХР Раиси Си Цзиньпин ўртасида шаклланган очиқ мулоқот, ўзаро ишонч ҳамда узоқ муддатли ҳамкорликка бўлган қатъий сиёсий ирода билан боғлиқ. Айнан шу омиллар икки томонлама алоқаларни янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг қамровини кенгайтириш ва стратегик мазмун билан бойитиш имконини бермоқда.

2024 йил январь ойида Президентимизнинг Хитойга давлат ташрифи давомида икки мамлакат муносабатлари янги даврда ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Бу қарор сиёсий алоқаларнинг янги мақомини белгилаш билан бирга, иқтисодиёт, саноат, транспорт, энергетика, таълим ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратди.

Олий даражадаги сиёсий мулоқот кейинги йилларда ҳам изчил давом этди. 2025 йил сентябрь ойида Пекинда, 2026 йил 31 август куни эса Бишкек шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида ўтказилган учрашувларда икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ва эришилган келишувларнинг амалий ижроси муҳокама қилинди.

Бишкекдаги учрашувда ХХР Раиси Си Цзиньпин стратегик шерикликнинг янги “олтин ўн йиллиги”ни бошлашга тайёрлигини таъкидлагани икки мамлакат муносабатларининг келгуси истиқболига ишончни ифода этади.

Жорий йил 17 октябрь куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Давлат кенгаши Бош вазири Ли Цян билан учрашуви ҳам сиёсий мулоқотнинг амалий ҳамкорлик билан узвий боғлиқлигини яна бир бор намоён қилди. Музокараларда эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш масалалари муҳокама қилингани, электрон тижорат, иқлим ва медиа соҳаларида ҳамкорликка оид ҳужжатларнинг имзоланиши шериклик кун тартиби тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.



> ***“Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон: барқарор тараққиёт ва фаровонлик сари” китоби хитой тилида чоп этилиши ва унинг тақдимоти Пекин шаҳрида ўтказилиши оддий нашриётчиликка оид воқеа доирасидан анча кенг аҳамиятга эга. Бу Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар фалсафаси, мамлакатимизнинг тараққиёт тажрибаси, ташқи сиёсатдаги устувор тамойиллар ва халқаро ҳамкорликка ёндашувини Хитой жамоатчилигига давлатимиз раҳбарининг ўз фикрлари орқали етказиш имконини берган муҳим сиёсий-маърифий воқеадир.”***

Шу жиҳатдан янги нашр икки халқни янада яқинлаштириш, давлатлар ўртасидаги дўстликнинг ижтимоий асосларини кенгайтириш ва бошқарув тажрибаси алмашинувига янги мазмун бағишлашга хизмат қилади.

Очиқлик, яхши қўшничилик ва умумий тараққиёт

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини ташқи сиёсатдаги ўзгаришлардан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Сўнгги йилларда Марказий Осиёда очиқ мулоқот, яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсат минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатларга янги мазмун бағишлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бир қатор мураккаб масалаларни ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш, чегара, транспорт, савдо, сув ресурсларидан фойдаланиш ва гуманитар алоқалар бўйича ҳамкорликни кенгайтириш учун имкониятлар пайдо бўлди. Бу жараён минтақада барқарорликни мустаҳкамлаш билан бирга, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт учун ҳам янги шароит яратмоқда. Зеро, барқарорлик фақат сиёсий келишувлар ёки хавфсизлик чоралари билан таъминланмайди. Унинг мустаҳкам асоси иқтисодий ўсиш, аҳоли фаровонлиги, иш ўринлари, ўзаро ишонч ва ҳамкорликдир. Шу нуқтаи назардан, Марказий Осиёнинг геоиқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, унинг халқаро транспорт ва савдо тизимларидаги ўрнини мустаҳкамлаш стратегик аҳамият касб этади.

2025 йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини “Марказий Осиё ҳамжамияти” стратегик форматига айлантириш ва Озарбайжонни ушбу жараёнларга тўлақонли иштирокчи сифатида жалб этиш ташаббусининг илгари сурилгани минтақавий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим қадам бўлди.

Пекиндаги мулоқотларда ҳам Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал жараёнлардаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш ўринли. Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатларининг транспорт-логистика ва савдо соҳасидаги мақсадлари ўртасида ҳам ўзаро уйғунлик мавжуд. Шу боис минтақавий боғлиқликни кучайтириш нафақат алоҳида давлатлар, балки бутун минтақа иқтисодиёти учун стратегик аҳамият касб этади.

Очиқ ташқи сиёсат, фаол минтақавий ҳамкорлик ва иқтисодий дипломатия мамлакатимизнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш, инвестицияларни жалб қилиш, экспортни диверсификациялаш ҳамда транспорт йўлакларини ривожлантиришда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунда, айниқса, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги мулоқотлар минтақавий ва глобал масалалар юзасидан умумий ёндашувларни шакллантиришда муҳим майдон бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг ШҲТ асосчи давлатларидан бири сифатида ташкилот фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳам эътиборга молик. Хусусан, 2022 йил сентябрдаги Самарқанд саммитини ШҲТнинг янги архитектураси шаклланишида муҳим босқич сифатида баҳолаш мумкин. Китобда Ўзбекистоннинг ташкилотдаги иштирокига бағишланган махсус боб мавжудлиги эса мамлакатнинг “Шанхай руҳи” тамойилларига содиқлигини ифодалайди.

Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2026 йил 1 сентябрда Бишкекда ўтказилган саммитда илгари сурган сиёсий ҳамкорлик, хавфсизлик, иқтисодий интеграция, транспорт боғлиқлиги, иқлим, гуманитар алоқалар, халқ дипломатияси ва туризмга оид ташаббуслари кенг эътироф этилаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсати натижасида Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб, мамлакат Марказий Осиёда йирик халқаро кучлар эътиборини ўзига жалб этаётган муҳим марказга айланмоқда, дейишмоқда экспертлар.

Пекиндаги учрашувларда Хитойнинг етакчи таҳлил марказлари ва давлат муассасалари вакиллари ҳам иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга қизиқиш билдирди. Бироқ бугунги вазифа мавжуд савдо ва инвестиция алоқаларини кенгайтириш билангина чекланмайди. Уларни маҳаллий ишлаб чиқариш, технологиялар трансфери, экспорт салоҳиятини ошириш ва замонавий кадрлар тайёрлаш билан боғлаш муҳим. Ана шунда стратегик шерикликнинг иқтисодий самараси нафақат умумий кўрсаткичларда, балки мамлакатнинг технологик ва саноат салоҳиятида ҳам ўз аксини топади.

Ўзаро муносабатларнинг маънавий пойдевори

Ўзбекистон ва Хитой муносабатларининг тарихий илдизлари Буюк Ипак йўли даврига бориб тақалади. Асрлар давомида икки халқ ўртасида савдо-сотиқ, илм-фан, маданият ва маърифат соҳаларида алоқалар шаклланган. Бугун ушбу тарихий яқинлик замонавий ҳамкорликнинг муҳим маънавий пойдеворига айланмоқда.

Президентимиз китобининг хитой тилида нашр қилиниши ана шу жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади. У Хитой китобхонига Ўзбекистон ҳақидаги ахборотни учинчи манбалар талқини орқали эмас, балки давлатимиз раҳбарининг ўз қарашлари, дастурий нутқлари ва стратегик ёндашувлари орқали англаш имконини беради.

Бу жараёнда 2019 йилда Пекинда хитойлик экспертлар томонидан тайёрланган “Президент Мирзиёев — Ўзбекистондаги ислоҳотлар даврининг меъмори” китобининг тақдимоти билан муайян маънавий боғлиқлик бор. Ўшанда Хитой мутахассислари Ўзбекистондаги ўзгаришларни ўз таҳлиллари орқали ёритган бўлса, бу сафар хитойлик ўқувчилар мамлакатимиз раҳбарининг фикрлари ва тараққиётга доир ёндашувлари билан бевосита танишиш имконига эга бўлмоқда. Бу икки воқеа ўзаро англашувнинг янги босқичини ифода этади.

Янги нашр тақдимоти ўзбек — хитой гуманитар алоқалари ривожидаги йирик воқеа — 29 октябрда бошланган Хитойдаги Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилгани ҳам чуқур рамзий маънога эга. Маданий дастурлар ва Президент асарлари билан танишув бир-бирини тўлдиради: бири ўзбек миллий маданиятининг бой хазинасини намоён этса, иккинчиси мамлакатнинг бугунги интилишлари ва унда рўй бераётган ўзгаришлар мазмунини англашга ёрдам беради.

Китобда Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқлари, мурожаатлари ва муаллифлик мақолалари, жумладан, БМТ, ШҲТ ва “Марказий Осиё — Хитой” саммити минбарларидан янграган чиқишлари тизимли равишда жамланган. Ушбу материаллар хитойлик олимлар, тадқиқотчилар ҳамда кенг китобхонлар оммаси учун Ўзбекистоннинг ислоҳотлари, давлат бошқаруви тажрибаси ва халқаро ҳамкорликка доир қарашларини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Тақдимотда билдирилган фикрлардан англашиладики, Хитойнинг сиёсий ва эксперт доиралари Ўзбекистон тажрибасини бир неча муҳим йўналишда ўрганишга қизиқиш билдирмоқда. Булар — инсон манфаатларини устувор қўйган давлат бошқаруви, миллий шароитга мос модернизация модели, очиқ ташқи сиёсат, Марказий Осиёда яхши қўшничилик муҳитини шакллантириш ва халқаро ҳамкорликни амалий натижалар билан бойитиш.

2027 йил 2 январда Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 35 йил тўлади. Бу сана икки давлат ҳамкорлиги натижаларини сарҳисоб қилиш билан бирга, унинг янги босқичдаги устувор вазифаларини белгилаш учун ҳам қулай фурсатдир.

Пекиндаги учрашувлар давомида Хитойнинг етакчи илмий-таҳлилий муассасалари Ўзбекистоннинг тегишли марказлари билан ҳамкорликни чуқурлаштиришга қизиқиш билдирди. Маҳалла институти, ёшлар сиёсати, камбағалликни қисқартириш, рақамлаштириш, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш, давлат бошқаруви ислоҳотлари ва минтақавий хавфсизлик бўйича қўшма тадқиқотлар ўтказиш таклифлари илгари сурилди.

Хусусан, Хитой Замонавий халқаро муносабатлар академияси Ўзбекистоннинг “Тараққиёт стратегияси” маркази билан маҳалла ва ёшлар сиёсати бўйича ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканини билдирди. Хитой Халқаро муаммолар академияси сунъий интеллект, “яшил” тараққиёт ва транспорт боғлиқлиги бўйича қўшма тадқиқотларни таклиф қилди. Давлат кенгаши ҳузуридаги Тараққиёт тадқиқотлари маркази сув хавфсизлиги, Орол фожиаси оқибатлари, музликларнинг эриши ва чучук сув танқислиги масалаларига эътибор қаратди.

Хитой Ижтимоий фанлар академияси ҳузуридаги институт вакиллари эса давлат хизматчилари ва депутатлар учун стажировкалар ташкил этиш, икки мамлакат таҳлил марказлари ўртасида доимий мулоқот механизмини яратиш, илмий ва таҳлилий материалларни ўзаро таржима қилиш бўйича таклифлар билдирди.

Бундай ташаббуслар стратегик шерикликнинг янги босқичи фақат савдо ва инвестиция ҳажмини ошириш билан эмас, балки билим, технология, бошқарув тажрибаси ва инсон капитали соҳаларида ҳамкорликни чуқурлаштириш билан ҳам белгиланишини кўрсатади.

Бу жараёнда парламентлараро алоқаларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Хитой томонининг Олий Мажлис ва Бутунхитой халқ вакиллари йиғини ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, сиёсий партиялар ва қонун чиқарувчи органлар ўртасида тажриба алмашишга қизиқиши парламент дипломатиясининг амалий аҳамиятини оширади. Қонун ижодкорлиги, давлат бошқаруви, маҳаллий вакиллик органлари фаолияти ҳамда аҳоли билан мулоқот механизмлари бўйича тажриба алмашиш икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янги мазмун билан бойитиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари ва журналистиканинг ўрни ҳам бу борада беқиёс. Мамлакатлар ҳақидаги холис, ишончли ва мазмунли ахборот жамоатчилик фикрини шакллантиради, ўзаро ишончни мустаҳкамлайди. Шу боис Ўзбекистон ва Хитой медиа тузилмалари, журналистлари, таҳлилчилари ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш халқлар ўртасидаги ўзаро англашувга хизмат қилади.

Рақамлар тараққиёт кўламини кўрсатади, ғоялар эса унинг йўналишини белгилайди. Президентимиз китобида акс этган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт фалсафаси Хитой китобхонига мамлакатимизнинг бугунги қиёфаси, ислоҳотлар мазмуни ва келажак мақсадларини англаш имконини бермоқда. Унинг Пекинда катта қизиқиш билан кутиб олингани эса икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик сиёсий ишонч, иқтисодий манфаатлар, интеллектуал мулоқот ва халқлар ўртасидаги яқинликни бирлаштирган янги босқичга кўтарилаётганини намоён этди.

Одилжон ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси Бошқаруви раиси.

Жиноят кодексига киритилган қўшимчаларга кўра, экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотларда иштирок этиш 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланди.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 5 ноябрь

СИФАТЛИ ҚОНУН – ПУХТА МУҲОКАМА МАҲСУЛИ

Сенат қўмиталарида қонунларнинг дастлабки муҳокамаси — қонун ижодкорлиги жараёнининг энг муҳим босқичларидан бири. Чунки қонуннинг сифати, ҳаётийлиги ва амалиётда самарали ишлаши, кўп жиҳатдан, айнан шу босқичдаги таҳлил, савол-жавоб ҳамда таклифларга боғлиқ.

Сенат қўмиталарида

Шу нуқтаи назардан, Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг кеча бўлиб ўтган йиғилишларида қатор муҳим қонунлар муҳокама марказида бўлди.

Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилотининг Санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш бўйича Битимига мувофиқлаштиришни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Ушбу қонун билан ўсимликлар карантини соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик ҳамда ижро этувчи ҳокимият органларининг ваколатларини аниқ белгилаш кўзда тутилиб, Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитасининг ваколатлари ҳам кенгайтирилмоқда. Жумладан, фитосанитария хавфини таҳлил қилиш, фитосанитария назоратида хавфларни бошқаришга асосланган автоматлаштирилган танлаб олиш механизмининг тартиб-таомилларини, карантин остидаги материалларни фитосанитар зарарсизлантириш қоидалари ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш каби вазифалар белгиланмоқда. Бундан ташқари, ўсимликлар карантини соҳасидаги лаборатория текширувлари услубларини тасдиқлаш, фитосанитар зарарсизлантириш фаолиятини лицензиялашга оид талаблар ва тартибларни ишлаб чиқиш бўйича ваколатлар ҳам мустаҳкамланмоқда.

“Давлат божи тўғрисида” ҳамда “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Уларда юридик шахсларга фитосанитар зарарсизлантириш фаолиятини амалга ошириш учун муайян муддатга лицензия бериш, ушбу фаолият учун давлат божини белгилаш, лицензия номи ва унинг кичик турларини аниқлаштириш, шунингдек, фаолият давомида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жарима миқдорларини белгилаш назарда тутилган.

Таъкидланганидек, қонуннинг қабул қилиниши ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасидаги миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, фитосанитар зарарсизлантириш фаолиятини такомиллаштириш ҳамда маҳсулотларнинг халқаро савдода эркин ва тўсиқларсиз ҳаракатланишини таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссиялари аъзолари учун ҳудудларда ўрмонлаштириш ва чўлланишга қарши курашиш ишларини ташкил этиш, чанг-тўзонлар кўтарилишининг олдини олиш ҳамда экологик барқарорликни таъминлаш борасида Кенгашлар олдидаги долзарб масалалар юзасидан ўқув-семинар ҳам ўтказилди.

Семинарда доимий комиссия аъзоларининг соҳа бўйича қонунчиликдаги янгиликлар, ўзгаришлар юзасидан билим ва кўникмаларини ошириб бориш, соҳага оид қонунларни кўриб чиқишда уларнинг фикрини олиш зарурлиги айтиб ўтилди ҳамда тегишли вазифалар белгилаб олинди.

* * *

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида фармацевтика ходимлари куни белгиланиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида” ҳамда “Наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар тўғрисида”ги қонунлар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Сенаторлар қайд этганидек, фармацевтика ходимлари кунини белгилашга қаратилган қонун билан “Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгартиришлар соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб эътироф этиш, уларнинг касбий нуфузини ошириш ҳамда фаолиятини рағбатлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Муҳокама якунида қонунни маъқуллаш бўйича кўмита хулосасини Сенат Кенгашига киритиш юзасидан қарор қабул қилинди.

“Наркотиклар ва кучли таъсир қилувчи моддалар тўғрисида”ги қонун гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш, улар устидан давлат назоратини кучайтириш ҳамда наркожиноятларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган. Унда давлат органларининг ваколатлари ва ўзаро ҳамкорлигини белгилаш, гиёҳвандликнинг олдини олиш, унга чалинган шахсларни даволаш ҳамда реабилитация қилиш масалалари назарда тутилмоқда.

Муҳокама давомида сенаторлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, шунингдек, экспертлар томонидан қонуннинг айрим нормалари юзасидан билдирилган таклиф ва тавсияларни атрофлича ўрганиш, қонуннинг айрим нормаларига аниқлик киритиш ҳамда уни қўшимча кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташрифи ҳудуд учун янги имкониятлар ва иқтисодий тараққиётнинг муҳим босқичини бошлаб берди. Вилоятда аҳоли учун зарур инфратузилма ва даромад манбаларини яратиш бўйича ташаббуслар аҳоли фаровонлигини янада ошириш учун катта имкониятлар яратади. Шу нуқтаи назардан, ичимлик суви ва оқова сув тармоқларини ривожлантириш, йўлларни янгилаш, саноат ва хизмат кўрсатишда янги лойиҳаларни амалга ошириш режалари кўриб чиқилди.



Ташриф давомида ўтказилган йиғилишда айнан мана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Вилоят иқтисодиётига 30 миллиард долларлик янги ташаббусларнинг олиб кирилиши Бухоро учун катта имкониятлар эшигини очади.

Буни рақамлардаги ифодасини кўрадиган бўлсак, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар орқали 1,7 млн. аҳолининг сув таъминоти яхшиланади, 775 минг киши канализация тармоғига уланади. Энг муҳими, марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 95 фоизга етказилади. Сув кутаётган 55 та маҳалла бўйича аниқ муддатлар белгиланиши эса одамларнинг умидини амалий натижага айлантириш йўлидаги муҳим қадамдир.

Бухоронинг катта бойликларидан бири, шубҳасиз, унинг тарихи ва туризм салоҳияти ҳисобланади. Тарихий обидаларимизни томоша қилиш учун келган сайёҳлар сонининг ортиши ўз-ўзидан аҳоли даромадини оширишга имкон беради. Бунинг учун уларга хизмат кўрсатиш, дам олиш, харид қилиш ва вақтини мазмунли ўтказиш имкониятлари ҳам ўсиб бориши керак. Шу боис янги туризм марказлари, меҳмонхоналар, конгресс-холл ва кўнгилочар масканлар қурилиши жуда муҳим.

Бугунги кунда Бухорода 300 млн. долларлик янги халқаро аэропорт қурилмоқда. У бир вақтнинг ўзида 20 та самолёт ва 1 200 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконига эга бўлади. Аэропорт шаҳар маркази билан 24 километрли автомобиль йўли орқали боғланади. Бухорога Туркиянинг “Pegasus” авиакомпанияси тўғридан-тўғри рейсларни йўлга қўймоқда. Келаси йил Малайзия, Индонезия, Кувайт, Миср ва Баҳрайн билан ҳам авиақатновларни бошлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Бу эса вилоятнинг туризм имкониятларини янада оширишга муҳим туртки беради. Хорижий сайёҳлар сонини 7 миллионга етказиш режаси ҳам фақат туризм соҳаси вакиллари учун эмас, оддий одамлар учун ҳам катта имконият беради. Аҳоли, айниқса, ҳунармандлар, оилавий меҳмон уйлари ва кичик тадбиркорлик субъектларининг даромади ошади. Яъни сайёҳ келиши билан унинг иқтисодий фойдаси маҳаллагача етиб боради.

Саноат борасида ҳам Бухоронинг имкониятлари катта. Вилоят иқтисодиёти бу йил илк бор 100 трлн. сўмлик маррадан ошиши, ўсиш 10,1 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Нефть-газ, кимё, тўқимачилик ва энергетика соҳаларида режалаштирилган йирик лойиҳалар янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш билан бирга кўплаб иш ўринларини очади. Айниқса, келаси йил енгил саноатда камида 1 млрд. долларлик лойиҳаларни амалга ошириш ва экспортни икки баравар ошириш мақсади маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун муҳим имкониятдир.

Бухорода белгиланган лойиҳалар амалга оширилиши натижасида нафақат янги корхоналар, замонавий меҳмонхоналар ва йўллар пайдо бўлади, балки улар одамларнинг турмуш фаровонлиги янада ошишига хизмат қилади.

Ойбек РАҲИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Ақаба жараёни:

ХАВФСИЗЛИК ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

6 ноябрь куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари етакчиларининг Ақаба жараёни доирасидаги учрашуви бўлиб ўтади. “Сунъий интеллект соҳасида хавфсизлик” мавзуига бағишланган мазкур тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ва Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қатнашади. Мазкур учрашув сунъий интеллект технологияларининг жадал ривожланиши шароитида улардан хавфсиз, масъулиятли ва самарали фойдаланиш масалаларини муҳокама қилиш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Биз ва жаҳон

Маълумки, бугун сунъий интеллект инсоният ҳаётининг деярли барча соҳасига кириб бормоқда. У иқтисодиёт, тиббиёт, таълим, саноат, давлат бошқаруви ва хавфсизлик тизимларида янги имкониятлар яратяпти. Айни вақтда ушбу технологиялардан нотўғри фойдаланиш, сохта ахборот тарқатиш, шахсий маълумотларнинг дахлсизлигига тажовуз қилиш, кибержиноятлар ва бошқа хавф-хатарлар билан боғлиқ муаммолар ҳам долзарблашмоқда. Шу боис сунъий интеллектни ривожлантириш билан бир қаторда унинг хавфсизлигини таъминлаш, халқаро миқёсда умумий ёндашув ва масъулият тамойилларини шакллантириш муҳим вазифага айланаётир.

“Ақаба жараёни” — 2015 йилда Иордания Подшоҳи Абдулла II ташаббуси билан йўлга қўйилган халқаро ҳамкорлик механизми бўлиб, унинг асосий мақсади турли минтақалар ва давлатлар ўртасида хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш, тажриба ҳамда ахборот алмашиш, трансмиллий таҳдидларга қарши биргаликда ҳаракат қилишдан иборат.

Ушбу ташаббус доирасида турли мамлакатларда халқаро учрашувлар ташкил этиб келинмоқда. Ташаббус Иорданиянинг қирғоқбўйидаги Ақаба шаҳри номи билан аталган. Эътиборлиси, ҳар бир учрашув босқичи маълум бир минтақа ёки аниқ таҳдидлар хавфсизлигига қаратилган. Масалан, муқаддам бўлиб ўтган учрашувлар Fарбий Африка ва Саҳелда радикализмга қарши курашиш, Болқон яриморолида хавфсизлик, ҳаво ҳудудини мувофиқлаштириш ва террорчилар томонидан учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланишга қарши курашиш ҳамда давлатлар суверенитетини қўллаб-қувватлаш каби масалаларга қаратилган. Яқин Шарқдан келиб чиққанига қарамай, учрашувлар бутун дунё бўйлаб мезбон давлатлар билан ҳамкорликда ўтказилади. Шу пайтгача бундай тадбирлар Иордания, Италия, Испания, Болгария, Франция, Буюк Британия, АҚШ ва БМТ доирасида ўтказилган.

Форум давлат раҳбарлари, вазирлар, разведка идоралари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар (шу жумладан, БМТ ва Интерпол) вакиллари ва экспертларни бирлаштиради. Остонадаги учрашувнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда сунъий интеллект фақат технологик тараққиёт воситаси сифатида эмас, балки халқаро хавфсизлик ва давлатлар барқарорлигига таъсир кўрсатувчи муҳим омил сифатида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон учун қандай аҳамиятга эга?

Бугун сунъий интеллект соҳасидаги рақобат нафақат илғор технологияларни яратиш, балки уларни хавфсиз бошқариш, миллий манфаатларни ҳимоялаш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, халқаро тажриба алмашиш ва умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш Ўзбекистон учун ҳам муҳимдир.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз ушбу платформада фаол иштирок этади. 2025 йил октябрь ойида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов бошчилигидаги делегация Римда хавфсизликка бағишланган “Ақаба 2025 жараёни” учрашувида қатнашди. Бундан ташқари, республикамиз минтақавий барқарорликни муҳокама қилиш учун келажакда Самарқандда учрашув ўтказишни таклиф қилди.

Ақаба жараёнлари доирасидаги учрашувлар мамлакатимизга қатор йўналишларда янги имкониятлар яратади. Биринчидан, сунъий интеллект хавфсизлиги бўйича халқаро тажриба ва илғор амалиётларни ўрганиш имконияти кенгаяди. Бу миллий қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, киберхавфсизликни мустаҳкамлаш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, сунъий интеллектдан фойдаланишда шаффофлик ва масъулиятни таъминлаш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш мумкин.

Учинчидан, Марказий Осиё давлатлари ўртасида рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасидаги минтақавий ҳамкорликни кучайтириш учун янги имкониятлар пайдо бўлади. Чунки бугунги кунда киберхавфлар, ахборот хуружлари ва рақамли макондаги таҳдидлар давлат чегараларини тан олмайди. Уларнинг олдини олиш эса ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни талаб этади. Энг муҳими, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги рақамли ташаббуслари ва миллий тажрибасини намойиш қилиш, хорижий ҳамкорлар билан янги лойиҳаларни йўлга қўйиш имконияти кенгаяди.

СИ соҳасидаги улкан марралар

Тан олишимиз керакки, мамлакатимизда сунъий интеллект соҳасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ҳуқуқий асослар яратилиб, соҳани ривожлантиришнинг узоқ муддатли мақсадлари белгилаб олинган. Хусусан, Президентимизнинг 2024 йил 14 октябрдаги қарори билан “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси” тасдиқланган. Унда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш, малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш асосий вазифалар сифатида белгиланган. 2030 йилга бориб, АТ хизматлари экспортини 5 миллиард долларга етказиш бўйича катта марралар олинган. Шу боис жаҳон бозорида рақобатбардошликни ошириш учун Рақамли технологиялар халқаро маркази ташкил этилди, АТ инфратузилмасига инвестиция киритиш учун қатор имтиёзлар берилди. Бу йил Тошкент шаҳри, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятларида 4 та “Дата марказ”, 2 та супер-компьютер ва 15 та олийгоҳда сунъий интеллект лабораторияси фаолияти йўлга қўйиляпти. Бу тиббиёт, транспорт, қишлоқ хўжалиги, геология, банк-молия, жамоат хавфсизлиги каби муҳим соҳаларда 100 дан ортиқ сунъий интеллект лойиҳаларини амалга оширишга хизмат қилади. Бугунги кунда минглаб иқтидорли ёшларимиз АТ ва сунъий интеллект бўйича изланиш олиб бораётгани қувонарли.



Сунъий интеллектни амалиётга жорий этишда иқтисодиётнинг қатор муҳим тармоқларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, банк-молия соҳасида фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш, мижозларнинг тўлов қобилиятини баҳолаш ва молиявий жараёнларни прогноз қилиш, солиқ ва божхона тизимида хавфларни ҳамда тиббиётда касалликларни эрта аниқлаш ва тиббий тасвирларни таҳлил этиш, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни прогнозлаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш каби йўналишлар устувор ҳисобланади.

Давлат хизматлари тизимида ҳам сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш кенгаймоқда. Бу орқали фуқароларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, ортиқча бюрократик жараёнларни қисқартириш, маълумотларни тезкор таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларининг самарадорлигини ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, таълим, энергетика, транспорт, логистика, геология, саноат ва бошқа тармоқларда ҳам сунъий интеллектга асосланган ечимларни жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Натижалар ва истиқболдаги вазифалар

Бугунги кунгача Ўзбекистонда юзлаб тажриба-синов лойиҳалари сунъий интеллектнинг амалий фойдасини кўрсатиб берди, танланган йўл эса Марказий Осиёда рақамли ривожланиш бўйича етакчилардан бирига айланиш имкониятини яратади.

Ўзбекистонда ишга туширишга энг яқин лойиҳалардан бири Саудия Арабистонининг “DataVolt” компанияси томонидан Тошкент “IT Park”ида амалга оширилмоқда. Компания илгарироқ 2032 йилга бориб мамлакатда умумий қуввати 500 МВт бўлган учта маълумотлар марказини қуриш режасини эълон қилган эди. Тошкентдаги объект ушбу дастурнинг бир қисмидир. Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳужжатларига кўра, унинг сервер ускуналари қуввати 12 МВтни, лойиҳа қиймати эса 250 млн. долларни ташкил этади. Банк 78 млн. долларгача кредит ажратишни маъқуллади.

Яна бир йирик лойиҳа Хитойнинг “Shanghai LinkWise” компаниясини ўз ичига олади. “IT Park” маълумотларига кўра, Қорақалпоғистон Республикасининг Тахиатош туманидаги ҳисоблаш маркази барча босқичлар тугаллангандан сўнг 300 МВт қувватга етиши керак.

Амалга оширилаётган ишлар натижасида Ўзбекистон сунъий интеллектга тайёрлик бўйича халқаро рейтингда 25 поғона юқорилаб, 62-ўринни эгаллаган. 2030 йилга қадар эса дунёнинг энг илғор 50 та давлати қаторига кириш мақсади белгиланган. Мазкур вазифаларни бажаришда юқори қувватли ҳисоблаш тизимларини ривожлантириш, маълумотлар базасини шакллантириш, замонавий рақамли инфратузилмани кенгайтириш ва малакали кадрлар тайёрлаш муҳим ўрин тутади.

Расмий маълумотларга кўра, мамлакатимизда сунъий интеллект асосида 20 дан ортиқ лойиҳалар амалиётга жорий этилган, яна 70 та лойиҳа алоҳида тармоқлар ва йирик корхоналар кесимида ишлаб чиқилган. Шубҳасиз, сунъий интеллект келажак технологияси бўлиш билан бирга, бугунги кунниг ҳам муҳим иқтисодий ва ижтимоий омилига айланди. Унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш мамлакатларнинг рақобатбардошлигини оширса, хавфсизлик талабларига риоя қилмаслик жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис сунъий интеллектни ривожлантиришда инновация ва хавфсизлик, технологик тараққиёт ва инсон манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш муҳим.

Остонада ўтказиладиган Ақаба жараёни доирасидаги учрашув ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Ўзбекистоннинг мазкур мулоқотда иштироки мамлакатимизда амалга оширилаётган рақамли ислоҳотларни халқаро тажриба билан бойитиш, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва сунъий интеллектдан хавфсиз фойдаланиш бўйича янги ташаббусларни илгари суриш учун муҳим имконият бўлиб хизмат қилади. Зеро, бугунги рақамли дунёда тараққиётнинг муҳим шарти фақат янги технологияларни яратиш эмас, балки улардан инсон манфаатлари, жамият фаровонлиги ва давлат хавфсизлиги йўлида оқилона фойдаланишдир.

Бахтиёр МАҲКАМОВ,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИГА ЁНДАШУВ ТУБДАН ЎЗГАРАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида меҳнат миграцияси соҳасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилиш мамлакатимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янги босқичини белгилаб берди. Унда соҳадаги натижалар билан бирга ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ҳам очиқ кўрсатиб берилди.

Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда тартибли меҳнат миграциясига ёндашув тубдан ўзгарди. Илгари бу йўналишда 3 та давлат билан ишланган бўлса, ҳозир уларнинг сони 27 тага етди. Чет элда ишлаётган юртдошларимиз сони ўн йилда икки баравар камайгани ҳолда улар оилаларига юбораётган маблағлар тўрт карра ошди. Бу одамларимиз хорижга оддий ишчи эмас, малакали кадр сифатида бораётганини кўрсатади.

Шу билан бирга, йиғилишда ҳудудлар ўртасидаги катта фарққа эътибор қаратилди. Масалан, хорижда ишлаётган бир кишига тўғри келадиган ўртача ойлик пул ўтказмаси Фарғонада 1 850 доллар бўлса, Қорақалпоғистон ва Тошкент вилоятида 400 долларга ҳам етмаяпти.

Германиядан жорий йилда 45 минг мутахассисга буюртма келгани ҳолда атиги 2 минг киши ишга жойлашгани эса асосий муаммо — тил билмаслик эканини кўрсатди. Шу боис касбга ўқитиш билан тил тайёргарлигини бирга олиб бориш масаласи алоҳида ўрин тутади. Келаси йили ҳар бир ҳудудда “Intil” маркази тажрибаси асосида ягона миграция маркази очилади, бунинг учун ҳар бир вилоятга 8 миллиард сўмдан ажратилади. 10 минг кишини касб ва немис тилига ўргатиб, Германияда ишга жойлаштириш, мактаб ва техникумларга 500 нафар тил эгасини жалб этиш белгиланди. Ҳар бир вилоятдаги 2-3 тадан техникумнинг 15 йилга йирик тадбиркорлар бошқарувига берилиши йилига камида 30 минг нафар тайёр мутахассис етиштириш имконини беради.

Қўмитамиз учун, айниқса, муҳим бўлган масала — хорижда меҳнат қилаётган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Энди муаммога дуч келган юртдошимиз “Онлайн маҳалла” платформасида хабар қолдира олади, зарур ҳолларда элчининг ўзи унинг олдига бориб, муаммосига ечим топади.



Хориждаги иш стажи ва пенсия ҳуқуқини тан олиш ҳам шу қаторда. Жорий йил Қирғизистон, Озарбайжон ва Туркия билан икки томонлама битимлар имзоланди. Энди Россия, Германия, Япония, Корея Республикаси, Болтиқбўйи ва Болқон давлатлари билан ҳам ана шундай келишувларга эришиш керак.

Йил бошидан буён миграциядан қайтган 1 млн. 116 минг кишининг тажрибасидан фойдаланиш, йил якунигача улардан 250 минг кишига мос иш топиш вазифаси ҳам ижтимоий жиҳатдан муҳим.

Йиғилишда хусусий бандлик агентликлари фаолиятида хатолар, коррупция ва фуқароларни алдаш ҳолатлари бўлгани очиқ айтилди. Шу сабабли бу соҳани тартибга солувчи алоҳида қонун қабул қилинган. Энди унинг ижросини кузатиб бориш, агентликларнинг шаффоф ишлаши ва фуқаролар ҳуқуқлари амалда таъминланишини парламент назорати орқали ўрганиш қўмитамиз эътиборида бўлади. Хорижий давлатлар билан меҳнат стажи ва ижтимоий таъминот бўйича битимларни ратификация қилиш жараёнида ушбу ёндашувга таянамиз. Зеро, ҳар бир юртдошимиз қаерда ишламасин, касбини пухта эгаллаган, ҳуқуқи ҳимояланган ҳолда ортида Ватани турганини ҳис қилиб яшаши керак.

Назира МУХТОРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси.

Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети нуфузли халқаро «QS Asia university rankings 2027» рейтинги натижаларига кўра, Осиё университетлари орасида 791 — 800 ўринлар оралиғидан жой эгаллади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 17 559 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — F. Баҳромов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

ISSN 2010-8788

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.47 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6